Масъулияти чекланган
жамият шаклидаги
"MEZON AUDIT PERFECT"
аудиторлик ташкилоти

MEZON AUDIT PERFECT
аудиторская организация / аудиторлик ташкилоти

Аудиторская организация
"MEZON AUDIT PERFECT"
в форме общества с ограниченной
ответственностью

Фаргона шахри Мустакиллик кучаси, 250 уй. ТИФ "Миллийбанки" Фаргона филиали
х/р 20 208 000 804 366 678 001 МФО 00493 ИНН 205 292 894 ОКЭД 69202
тел: (+99897) 595-99-63 e-mail: *mezonauditperfect@mail.ru* сайт: *www.mezonaudit.uz*

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"Фаргонаёгмой" акциядорлик жамияти рахбариятига
(ИНН 200146438)

Мен (биз), Фаргона шахри Мустакиллик кучаси, 250 уйда жойлашган, электрон почта манзили mezonauditperfect@mail.ru, Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда берилган №00778-сонли барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви утказиш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2004 йил 6 декабрда 1062-сон билан руйхатга олинган, СТИР 205292894, банк хисоб раками 20208000804366678001 ТИФ "Миллийбанк" Фаргона филиалида очилган, МФО 00493 масъулияти чекланган жамият шаклидаги "MEZON AUDIT PERFECT" аудиторлик ташкилоти аудиторлари Салиев Илхомжон Адхамович (Аудитор малака сертификати №04420 19.09.2017 йилда берилган) ва Тухтасинов Нодирхон Набиевич (Аудитор малака сертификати №05569 29.11.2018 йилда берилган) томонидан хужалик юритувчи субъект "Фаргонаёгмой" акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тугрисидаги хисоботидан иборат 2019 йил 1 январидан 31 декабрига кадар холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувидан утказдик.

Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Фаргонаёгмой" акциядорлик жамиятининг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект "Фаргонаёгмой" акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари буйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хужалик фаолияти натижаларини хакконий акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ "MEZON AUDIT PERFECT"
аудиторлик ташкилоти директори: **Салиев И.А.**

Аудитор: **Тухтасинов Н.Н.**

09 март 2020 йил

MEZON AUDIT PERFECT

аудиторская организация · аудиторлик ташкилоти

“MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ

"ФАРГОНАЁГМОЙ" акционерлик жамиятининг 2019 йил молиявий-хужалик фаолиятини аудиторлик текширувидан утказиш юзасидан

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

2020 йил

(МАХФИЙ)

Узбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Конуннинг 18 моддасига асосан Аудиторлик хисоботидаги ахборот ***махфий*** *хисобланади ва ошкор килиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор килганликлари учун конун хужжатларига мувофик жавобгарликка тортиладилар.*

«Фаргона ёг-мой» акциядорлик
жамияти бошкаруви раиси
А. М. Мирзаахмедовга

«Фаргона ёг-мой» акциядорлик жамиятининг
2019 йил молиявий-хужалик фаолиятини аудиторлик
текширувидан утказиш юзасидан

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

Аудиторлик ташкилот номи ва юридик манзилиа	МЧЖ «MEZON AUDIT PERFECT» аудиторлик ташкилоти. Фаргона ш. Б. Маргилоний кучаси, 147 уй тел. (+99891) 657-99-63, (+99897) 595-99-63 e-mail: *mezonauditperfect@mail.ru*
Давлат руйхатидан утказилган Гувохнома	Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан. Гувохнома реестри № 1062 06.12.2004 йил.
Лицензия берган орган номи ва тартиб раками	Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан. Лицензия АФ № 00778 05.04.2019 йил.
Аудиторлик текширув учун тузилган шартнома раками ва тузилган санаси	Шартнома № 14/2019 04.09.2019 йил
Аудит текширувини бошланиши ва тугалланиши	Бошланиши - 04.09.2019 йил Тугалланиши - 09.03.2020 йил
Аудит ташкилот рахбари фамилияси, исми ва малака сертификати раками	Салиев И. А. Аудитор Малака сертификати № 04420 19.09.2017 йил.
Аудит текшируви утказган аудиторлар фамилияси, исми ва малака сертификати раками	Тухтасинов Нодирхон Набиевич Аудитор Малака сертификати № 05569 29.11.2018 йил.

Аудиторлик текшируви Узбекистон Республикаси Фукаролик кодекси, «Бухгалтерия хисоби тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Конуни, «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Конуни, Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва бошка аудиторлик фаолиятини тартибга солиш меъёрий хукукий хужжатлар асосида утказилди.

Утказилган аудиторлик текшируви натижалари, Уз.Р. МВ 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйруги билан тасдикланган, Уз.Р. АВ 2001 йил 10 мартдаги 1016-сон билан руйхатдан утган (АФМС № 70) «Аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот тугрисидаги аудиторлик хулосаси» стандарти талабларига асосида ушбу хисоботга киритилди.

Ушбу текширишга такдим килинган бухгалтерия бирламчи хужжатлари хакконийлиги ва тузилган молиявий хисоботлар тугрилигига жамият рахбарияти жавобгардир. Аудиторлик ташкилот эса ушбу аудиторлик текшириш юзасидан берилган хулоса учун жавобгардир.

"MEZON AUDIT PERFECT" *Аудитор*

I. КИРИШ КИСМИ

I.1. Хужалик юритувчи субъект билан танишув

Уз.Р. МВ 2001 йил 31 майдаги 48-сонли буйруги билан тасдикланган, УзР АВ томонидан 2001 йил 21 июнда 1043-сон билан руйхатга олинган (АФМС 31-сон) «Хужалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув» стандартига асосан, «Фаргона ёг-мой» акциядорлик жамияти хакида бошлангич маълумотлар олиш максадида, таъсис хужжатлари, мулкчилик шакли, устав капитали, рахбарияти, ташкилий тузилма билан танишиб чикилди.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тугрисида"ги Узбекистон Респу бликаси Конуни (янги тахрири) талабларидан келиб чикиб, жамият кузатув кенгашининг 2017 йил 23 июндаги йигилиш карорига асосан жамиятнинг Низом фонди хар бир дона акцияси номинал киймати 4895 сумдан булган 3643308 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз акция хамда 23904 дона эгаси ёзилган имтиёзли хужжатсиз 17 951 002 740 сумлик янги акциялар чикарилган ва акциялар куйидаги тартибда таксимланган:

Улуш эгаси	1 дона акциянинг номинал киймати	Акция сони, Дона	Улуш микдори %	Жами улуш киймати, (минг сум)
Давлат улуши (Давлат Мулк Кумитаси)	4895	3 097 004	84,45	15 159 834 580
Мехнат жамоаси улуши (207 киши)	4895	214 388	2,45	1 049 429 260
Бошка жисмоний шахслар (1029 киши)	4895	355 820	13,10	1 741 738 900
Жами:	4895	3 667 212	100%	17 951 002 740

Жамият реквизитлари:

«Фаргона ёг-мой» акциядорлик жамияти.	Х/р 20208000300229035001 МФО 00965 ИНН 200146438 ОАТБ «Хамкор Банк»
Манзили	Фаргона шахри, Меъмор кучаси 9.
Низом жамгармаси	17 951 002 740 сум Давлат улуши 84,45 % Мехнат жамоаси 2,45 % Бошка акционерлар 13,10 %
Тармок тури	Ёг-мой саноати
ХХТУТ (ОКОНХ)	18121
Ташкилий-хукукий шакли	1150
Мулкчилик шакли	144
Почта манзили	1730401
Юридик шахе коди	00392744

Жамиятнинг низомида белгиланган асосий максадлари давлат иктисодий манфаатлари, ахолининг маиший, ижтимоий-маданий ва бошка эхтиёжларини кондириш ва акциядорлар хамда жамият мехнат жамоасининг манфаатини кузлаб мехнат килиш йули билан фойда олишдан иборат булиб, узини-узи маблаг билан таъминлаш йули билан жамоа ва жамият акциядорларининг моддий ва ижтимоий талабларини кондиришга каратилган.

"MEZON AUDIT PERFECT" *Аудитор*

Жамият уз Низомига асосан куйидаги фаолият турлари билан шугулланади:

- Тозаланган усимлик ёги, атир совун, 60 хамда 70 фоизли хужалик совуни, техник ва озукавий саломас, 94 хамда 98 фоизли глицерин, дистилланган соапсток ёг кислотаси, пальмитин, суюлтирилган совун, хлопокс, косметин стеарин, гудрон, шелуха, кунжара ва бошка ёг-мой махсулотларини ишлаб чикариш;
- Уз фаолиятини нормал олиб бориш максадида бошка туманлар, вилоятлар хамда республика ташкарисидан, жумладан чет эллардан хом-ашё, асбоб-ускуна ва техник воситалар олиб келиш;
- Жамият, ташкилот, муассаса, хужаликлардан, кичик ва кушма жамиятлардан, фукаролардан зарур булган хом-ашё, жихозлар, ишлаб чикариш воситалари, транспорт, ускуна ва бошка хар хил турдаги зарур махсулотлар хамда воситаларни сотиб олиш;
- Жамият аъзоларининг сармояси, техникавий ва бошка ресурсларини жамлаш хисобига ишлаб чикариш кувватини ошириш;
- Ишлаб чикаришда фан ва техника ютукларини жорий этиш, хужалик юритишнинг усул ва шаклларини такомиллаштириш;
- Сотиб олинган ёки олинган ер майдонларидан ёрдамчи хужалик, фермерлик ва ишлаб чикариш цехларини хамда ваколатхоналарини ташкил этиш;
- Савдо ва тижорат фаолияти билан шугулланиш;
- Кимматли когозлар харид килиш ва улар билан ишлаш;
- Ташки иктисодий фаолият билан шугулланиш ва хоказо.

2013 йил 29 июндан хозирги кунгача жамият бошкарув раиси вазифасида барча банк ва бухгалтерия хужжатларига биринчи имзо куйиш хукукига билан Мирзаахмедов Ахмаджон Мирзаевич бажариб келмокда.

2016 йил 16 августдан шу кунга кадар Хикматов Ойбек Абдуракибович барча банк ва бухгалтерия хужжатларига иккинчи имзо куйиш хукуки билан бажариб келмокда.

II. АСОСИЙ КИСМ

II.1. Хисоб сиёсати аудити

Хисоб сиёсати - бу жамиятнинг ички хужжати булиб, амалдаги конунчилик, солик конунчилиги, Уз. Р МВ 1998 йил 26 июлдаги 17-17/86 буйруги билан тасдикланган, Уз. Р. АВ томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан руйхатга олинган Узбекистон Республикаси Бухгалтерия хисоби миллий стандарти (БХМС 1-сон) «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот», хамда бухгалтерия хисоби миллий стандартлари асосида ишлаб чикилади.

Ушбу Бухгалтерия хисоби миллий стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалгерия хисоби тўгрисида"ги Конуни асосида ишлаб чикилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисобини меъёрий асосда бошкариш тизимининг унсури хисобланади. Ушбу стандарт бошка БХМСлар билан биргаликда кўлланилади.

БХМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли хисобот даврларидаги молиявий хисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хисоботлари киёсланишини таъминлаш максадида хўжалик юритувчи субъект молиявий хисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради. Бу максадга эришиш учун мазкур стандартда хўжалик юритувчи субъектларнинг хисоб сиёсати ва молиявий хисоботига асос бўладиган концепциялар хамда молиявий хисоботнинг мазмунига энг кам микдордаги талаблар кўзда тутилган.

Мазкур стандарт молиявий хисоботдан ташкари такдим этилиши лозим бўлган ахборотларга талабларни баён килмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хисоботга кўшимча ахборот сифатида молиявий шархларни такдим этишлари мумкин.

Ушбу стандартда хисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг рахбари бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисобот тузиш учун кабул киладиган усулларнинг йигмаси тушунилади, молиявий хисобот шу усулларга мувофик ва уларнинг коидалари ва асосларига мувофик равишда тузилади.

Бухгалтерия хисобини гурухларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига бахо бериш, активлар кийматини тўлаш, хужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия хисобида хисоботларни кўлланиш усуллари, хисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чикиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия хисобини юритиш усулларига киради.

Хисоб сиёсати хар бир жамиятнинг узига хос хусусиятларини хисобга олган холда, бухгалтерия хисобини юритиш, молиявий хисоботларни тузиш усуллари ва коидаларини уз ичига олади.

Мазкур стандартга асосан, жамият хисоб сиёсатига, унинг узаги булган, куйидаги асосий булимлар киритилиши максадга мувофик – актив ва пассивларнинг бахолаш ва тан олиш тартиби, ишлаб чикариш харажатларини тан олиш тартиби, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация хисоблаш усуллари, товар моддий захираларни бахолаш усуллари, махсулот таннархини калькуляция килиш усуллари, келгуси давр харажатларини чиким килиш усул ва тартиби, соликка солиш максадида бухгалтерия хисоби ва хоказо.

Хўжалик юритувчи субъектнинг рахбари хисоб сиёсати конунларга мос бўлиши учун, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисоботини тайёрлаш ва такдим этиш учун жавобгардир.

II.2. Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизими

Бухгалтерия хисоби ва ички назоратни аудиторлик текширувининг максади, аудиторлик ташкилотининг хужалик юритувчи субъектда аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизими буйича амалларни аниклаш ва бахолашдан иборатдир.

Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини бахолашда кулланиладиган асосий талаблар Уз.Р. МВ 2006 йил 29 декабрдаги 108-сонли буйруги билан тасдикланган, Уз.Р. АВ томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан руйхатга олинган (АФМС 12-сон) «Аудиторлик текширувлар жараёнида бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини бахолаш» стандартида белгиланган.

Бухгалтерия хисоби тизими - хужалик юритувчи субъектнинг вазифалари ва ёзувларининг йигиндиси булиб, улар оркали молиявий хисоботда хужалик операциялари ва бошка вокеалар натижаларини идентификациялаш, туплаш, тахлил килиш, хисоблаш, таснифлаш, умумлаштириш ва акс эттириш максадида бухгалтерия хисобини юритиш усули сифатида хужалик операциялари натижаларини кайта ишлаш амалга оширилади.

Узбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Конуннинг 7-моддасида жамият рахбари бухгалтерия хисоби ва хисоботини ташкил этишни амалга ошириши, жамиятда ички хисоб ва хисобот тизими ишлаб чикилишини, хужалик операцияларини назорат килиш тартибини, бухгалтерия хисоби тўлик ва аник юритилишини, хисоб-китоб хужжатларининг сакланишини, ташки фойдаланувчилар учун молия хисобот тайёрланишини, солик хисоботлари ва бошка молиявий хужжатлар тайёрланишини, хисоб-китоблар уз вактида амалга оширилишини таъминлаши шартлиги белгилаб куйилган.

Аудиторлик текшируви даврида жамият томонидан тузилган молиявий хисоботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи хужжатлари, бухгалтерия хисоби юритишда бухгалтерия принципларига амал килинган холда тузилганлиги ва бутлиги текширилди.

Жамиятда бухгалтерия хисобини юритилиши «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги конун доирасида, хамда бухгалтерия хисоби миллий стандартларига амал килган холда юритилган.

Бухгалтерия хисоби «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурида юритилади. Хужжатлар расмийлаштирилиши хар ойда, бош китоб юритилган, хар чоракда солик ва бошка статистик хисоблар юритилиб, вактида хисоботлар кундирилиб келинган.

Жамиятда барча аналитик ва синтетик учетлар бухгалтерия хисоби талаблари ва моддаларига тугри келади.

Аудиторлик текширувига такдим этилган молиявий хисоботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи хужжатлари, умуман жамиятда кулланиладиган бухгалтерия тизими аудиторлик амаллари бажаришга, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини хаккоий акс эттиришга етарли даражада асос була олади.

Ички назорат тизими – хужалик юритувчи субъект рахбарияти томонидан молиявий – хужалик фаолиятини назорат килиш ва самарали юритиш, активлар ва хисоб хужжатларининг сакланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик холатларини олдини олиш ва аниклаш, бухгалтерия ёзувларини аник ва туликлиги ва уз вактида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш максадида кабул килинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар йигиндисидан иборат.

Аудит даврида ички назорат тизимини тулик, мукаммал урганишни имкони булмайди. Юзаки кузатишдалар натижасида жамиятда ички назорат тизими тегишли назорат воситалари оркали коникарли даражада амалга оширилаётганлиги хакида ишонч хосил килса булади. Бунга жамиятда активларни бутлигини таъминлаш, хом-ашё ва материаллар, тайёр махсулотлар саклашда курилган чора тадбирлар асос булиши мумкин, хусусан:

- жамият худуди жамият куриклаш ходимлари ва ички ишлар куриклаш булими томонидан курикланади;
- жамият худудида бегона шахслар харакати чекланган, ва рухсатномалар оркали амалга оширилади;
- пул маблагларини саклаш учун мулжалланган махсус хона мавжуд, темир шкаф билан жихозланган, товуш чикариш мосламалари урнатилган;
- товар-моддий захиралар ва бошка активларни саклаш учун омборлар ва махсус жойлардан имкон даражасида фойдаланилади;
- барча активлар жавобгар шахслар зиммасига шартномалар асосида юклатилган;
- хужжатлар айланмаси ва сакланиши чора тадбирлари курилган;
- «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурининг дахлсизлиги таъминланган;
- бухгалтерия булимларга булинган ва бухгалтериянинг хар бир булими счетлар буйича алохида бухгалтерлар зиммасига юклатилган.

Хужалик юритувчи субъект билан танишув, хамда бухгалтерия хисоби ва ички назоратни тизимини урганиш натижалари асосида, аудит текшируви дастлабки боскичларида, ушбу аудиторлик текшируви режалаштирилди ва дастури тузилди.

Аудиторлик текширувини режаси ва дастури, Уз.Р. МВ томонидан 1999 йил 17 июлда 54-сонли буйруги билан тасдикланаган, Уз.Р. АВ томонидан 1999 йил 10 ноябрда 837-сон билан руйхатга олинган (АФМС № 3) «Аудитни режалаштириш» стандартига мувофик ишлаб чикилди.

II.3. Асосий воситалар аудити

Асосий воситалар аудитининг максади, асосий воситалар булими буйича молиявий хисоботнинг ишончлилиги ва ташкилотда асосий воситаларга нисбатан кулланиладиган операциялар хисоб методикасининг амал килаётган норматив хужжатлар билан мослиги хакида тушунча хосил килишдан иборатдир.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия хисобини меъёрий жихатдан тартибга солишда, 2003 йил 9 октябрда Уз.Р. МВнинг томонидан 114-сон билан тасдикланган ва 2004 йил 20 январда Уз.Р. АВ томонидан 1299-сон билан руйхатга олинган, Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (БХМС 5-сон) «Асосий воситалар» асосий норматив хужжатдир.

Мазкур стандартнинг максади мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошкарув хукуклари асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситалар хисоби услубиятини белгилаш хисобланади.

Асосий воситаларни хисобга олишда уларни актив сифатида тан олинган пайтини белгилаш, мазкур активларга нисбатан кўлланиладиган уларнинг баланс кийматини ва амортизацияни хисоблаш усулларини белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс кийматидаги бошка ўзгаришларни ва уларнинг чикиб кетиши хисобига молиявий натижаларни белгилаш ва хисобга олиш асосий коидалар хисобланади.

2019 йил давомида асосий воситалар харакати куйидагича: (минг сумда)

Курсаткичлар	Бино, иншоот ва узатувчи курилмалар	Машина ва жихозлар	Мебель ва офис жихоз-лар	Компью-тер ва хисоблаш техникаси	Транспорт воситалар	Куп йиллик дарахт-лар	Бошка асосий фондлар	Жами
Бошлангич киймати 01.01.2019 й.	35181454	12178279	78224	153483	1432603	1843	818362	49844248
Жамгарилган эскириш 01.01.2019 й.	11219130	8969995	77220	121476	859224	676	559170	21806892
Колдик киймати 01.01.2019 й.	23962324	3208284	1003	32007	573379	1167	259192	28037356
Кайта бахолаш - бошлангич киймат	4705397	516483	5397	1310	37184	230	111535	5377537
Кайта бахолаш – эскириш	1505263	395733	5317	706	22651	84	73522	2003277
Харид килиш	1396584	1090393	-	14785	133344	-	16205	2651312
Сокит килиш	14893	58300	3904	16860	-	-	22115	116071
Хисобланган эскириш	1554191	1098401	333	14025	150600	104	72207	2889966
Эскиришни чикариш	2814	58247	3904	16860	-	-	22115	103949
Бошлангич киймати 01.07.2019 й.	41268542	13726855	79717	152719	1603132	2074	923988	57757026
Жамгарилган эскириш 01.07.2019 й.	14275761	10405882	78967	119348	1032476	968	682785	26596186
Колдик киймати 01.07.2019 й.	26992782	3320973	750	33371	570656	1106	241203	31160840

Асосий воситаларга БХМА №5 талабларига мувофик хисоб карточкалари "1С-Бухгалтерия" дастурида юритилади. Белгиланган муддатларда йиллик кайта бахолаш ва инвентаризация амалга оширилади.

II.4. Молиявий инвестициялар аудити

Молиявий инвестициялар бухгалтерия хисобини юритишда. 1998 йил 23 декабрда Уз.Р. МВ томонидан 65-сон буйруги билан тасдикланган ва 1999 йил 16 январда Уз.Р. АВ томонидан 596-сон билан руйхатга олинган (БХМС 12-сон) «Молиявий инвестицияларни хисобга олиш» миллий стандарти асосий норматив хужжатдир.

Жамият балансида 31.12.2019 йил холатига 0600 счетида жами 193 165,8 минг сум инвестициялар мавжуд булиб, 0610 (кимматли когозлар) счетида 5 108,8 минг сум ва 0620 (бошка жамиятларга инвестициялар) счетида 188 057,0 минг сумни ташкил этади.

Жамиятнинг 0610 (кимматли когозлар) счети буйича 31.12.2019 йил холатига инвестиция таркиби куйидагича:

(минг сум)

№	Ташкилот номи	Суммаси
1	"Чуст ишлаб чикариш савдо" АЖ	4 995,8
2	АТБ "Агробанк"(Пахтабанк")	11,0
3	АТБ "Саноат курилиш" (Афросиёб)	102,0
	Жами:	5 108,8

Жамиятнинг 0620 (бошка жамиятларга инвестициялар) счети буйича 31.12.2019 йил холатига таъсис улуши сифатида киритган инвестициялари таркиби куйидагича:

(минг сум)

№	Ташкилот номи	Суммаси
1	"Фаргона омухта ем бирлашмаси" МЧЖ	15 000,0
2	Биолаборатория Усмонобод	107 191,2
3	Олтиарик омухта ем МЧЖ	15 865,8
4	ООО "МТ Инвест-Импэкс"	50 000,0
5	Yo'gmoy Fargona Eksport шуъба корхонаси	436 000,0
	Жами:	188 057,0

Жамият томонидан киритилган молиявий инвестициялар буйича 2018 йил якуни буйича куйидаги ташкилотлардан дивидендлар эълон килинганлиги тугрисидаги йигилиш баёнлари олинган ва бухгалтерия томонидан тегишли бухгалтерия утказмалари берилган:

№	Ташкилот номи	Олинадиган дивиденд (сум)
1	"Фаргонаулгуржисавдо" МЧЖ	62 552 010,05
	Жами	62 552 010,05

Фаргонаулгуржисавдо МЧЖ 2019 йилда 62 552 010,05 сум дивидент утказилмокда.

Куйидаги ташкилотлардан бундай маълумотлар олинмаган ва хеч кандай пул маблаглари утказилмаган:

№	Ташкилот номи	Изох
1	"Чуст ишлаб чикариш савдо" АЖ	Давлат реестридан чикарилган 02.11.2016 й. 327-карори
2	АТБ "Агробанк"(Пахтабанк")	Дивиденд эълон килинганлиги тугрисида маълумот йук
3	АТБ "Саноат курилиш" (Афросиёб)	Дивиденд эълон килинганлиги тугрисида маълумот йук
4	Fargona Ozuqa Yem Taminoti МЧЖ	Дивиденд эълон килинганлиги тугрисида маълумот йук
5	"Фаргона омухта ем бирлашмаси" МЧЖ	Дивиденд эълон килинганлиги тугрисида маълумот йук
6	Биолаборатория Усмонобод	Дивиденд эълон килинганлиги тугрисида маълумот йук
7	Олтиарик омухта ем МЧЖ	Дивиденд эълон килинганлиги тугрисида маълумот йук
8	ООО "МТ Инвест-Импэкс"	Дивиденд эълон килинганлиги тугрисида маълумот йук
9	Yogmoy Fargona Eksport шуъба корхонаси	Дивиденд эълон килинганлиги тугрисида маълумот йук

Аудит текшируви даврида хеч кандай кушимча маълумот такдим килинмади.

Жамият рахбариятига АТБ "Саноат курилиш" (Афросиёб) ва бошка инвестиция киритилган ташкилотлар буйича инвестициялар тугрисида етарли маълумот олиш, агар ушбу инвестиция киритилган ташкилотлардаги инвестициялар даргумон булган такдирда, мазкур масалани жамият умумий йигилишида куриб чикиш ва жамият зарарига олиш тавсия килинади.

II.5. Капитал куйилмалар аудити

Жамият балансида 01.01.2019 йил холатига 0800 Капитал куйилмаларни хисобга олиш счетларида жами 3 089 377,9 минг сум капитал куйилмалар колдиги мавжуд, 0810 "Тугалланмаган курилиш" счети буйича 2 808 894.7 минг сум, 0820 "Асосий воситаларни харид килиш" счети буйича 280 483,2 минг сумни ташкил этади.

2019 йилда 0810 "Тугалланмаган курилиш" счети буйича жами 2 112 438,9 минг сумлик капитал куйилмалар амалга оширилган ва 1 561 015,2 минг сумлик куриб битказилган бинолар кирим килинган. 31.12.2019 йил холатига 0810 счетдаги колдик 3 360 318,5 минг сумни ташкил этади.

0820 "Асосий воситаларни харид килиш" счети буйича жами 1 426 320,4 минг сумлик капитал куйилмалар амалга оширилган ва 1 426 320,4 минг сумлик асосий воситалар кирим килинган. 31.12.2019 йил холатига 0820 счетдаги колдик 280 483,2 минг сумни ташкил этади.

II.6. Товар-моддий захиралар аудити

Товар-моддий захираларни хисобга олиш тартиби 2006 йил 15 июндаги Уз.Р. МВнинг 52-сонли буйруги билан тасдикланган ва 2006 йил 17 июлда Уз.Р. АВ томонидан 1595-сон билан руйхатга олинган (БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар» стандарти талабларига асосан тартибга солинади.

Жамиятда хисоб сиёсатида товар-моддий захираларни бахолаш усуллари белгиланмаган.

Товар-моддий захиралар бирламчи хужжатлар хисоботи, молиявий хисоблар колдиклари ва «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурининг маълумотлари билан мос келади.

Товар-моддий захиралар моддий-жавобгар шахсларга бириктирилган ва улар билан моддий-жавобгарлик тугрисида шартномалар тузилган.

Жамият балансининг 01.01.2019 йил холатига (1000) Хом-ашё ва материалларини хисобга олиш счетларида жами **9 661 414,6** минг сум колдик мавжуд.

Хисобот йилида жами **90 878 958,9** минг сумлик хом-ашё ва материаллар кирим килиниб, жами **92 991 632,4** минг сум микдорида хом-ашё ва материаллар чиким килинган. 31.12.2019 йил холатига (1000) Хом-ашё ва материалларини хисобга олиш счетларида жами **12 548 741,1** минг сум колдик мавжуд.

Моддий жавобгар шахслар томонидан ойлик материал хисоботлар уз вактида тузилади ва бухгалтерияга такдим килинган.

(БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар» стандартининг 76 пунктида белгиланган, товар-моддий захираларнинг хакикатда мавжудлигини аниклаш, уларнинг сотиш соф кийматини тасдиклаш ва уларнинг бут сакланишини назорат килиш максадида ташкилотлар томонидан вакти-вакти билан, лекин йилда камида бир маротаба товар-моддий захираларни инвентарлаш ўтказилади.

II.7. Ишонч когозлари аудити

Товар-материал кийматликларини кабул килишда ишонч когозларини бериш ва ишонч когозлари буйича товар-материал кийматликларини бериб юбориш тартиби, Уз.Р. МВнинг 07.05.2003 йилдаги 62-сонли буйруги билан тасдикланган, Уз.Р. АВ дан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан руйхатдан утган. МВ буйруги билан тартибга узгартиришлар киритилган ва АВдан 24.12.2003 йилда 1245-1-сон билан руйхатдан утган.

Мазкур тартиб Узбекистон Республикасининг "Бухгалтерия хисоби тугрисида"ги Конуни асосида ишлаб чикилган ва товар-материал кийматликларини кабул килишда ишонч когозларини бериш ва ишонч когозлари буйича товар-материал кийматликларини бериб юбориш тартибини белгилайди.

Жамиятда берилган ишонч когозлар ишонч когозларини руйхатга олиш китоби (журнали) да юритилади.

Жамиятда ишонч когозлари китоби ракамланган, шнурланган ва бош хисобчи томонидан имзоланган.

Жамиятда 2019 йил давомида ишонч когозларни руйхатга олиш китобида 412 дона ишонч когози руйхатга олинган. Бундан: 380 та ишонч когозига товар-материал кийматликлар олинган, 1 дона (284 ракамли) ишончномага хеч кандай хужжат олинмаган, 31 донаси бекор килинган.

II.8. Кассадаги пул маблаглари аудити

Юридик шахсларнинг касса операцияларини амалга ошириш коидалари, Узбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1998 йил 24 январда 376-сон билан тасдикланган ва Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан руйхатдан утган норматив хужжат билан тартибга солинади.

Жамиятда газначи вазифаси 2008 йил 3 ноябрдан бошлаб 16 март 2017 ийлгача Курбанова Насиба зиммасига юклатилган. 2017 йил 16 мартдан бошлаб газначи вазифаси Абдуллажанова Юлдизхон зиммасига юклатилган. Газначи билан моддий жавобгарлик тугрисида шартнома тузилган.

Жамиятда юкорида белгиланган норматив хужжат, юридик шахсларнинг газна операцияларини амалга ошириш коидаларига амал килинмаган холда юритилган. Жумладан сентябрь ойи давомида газнага олинган маблаглар жамият газнасида уч кундан ортик муддатда

сакланиб кейинги ойда чиким килинган. Банкдаги хисоб ракамидан олинган накд пул газнага тулик кирим килиниб, олинган максадига мувофик чиким килинган.

2019 йилда касса операциялари куйидагича:

Счет	Операция мазмуни	Сумма (сум)
	01.01.2019 й.га колдик	-
51.30	Банкдан кирим килинди	781 743 539,8
55.33	Банкдан кирим килинди	111 663 780,92
	Жами кирим	**893 407 320,72**
	Сарфланди	
42.20	Сафар харажати	10 800 000,0
48.90	Пенсия, пособия	111 663 780,92
67.10	Иш хаки	770 943 539,8
	Жами чиким	**893 407 320,72**
	31.12.2019 й. га колдик	-

01.01.2019 йил ва 31.12.2019 йил холатларига газна (5020 счет) да хорижий валюта пул маблаглари колдиги мавжуд эмас.

II.9. Банкдаги хисоб ракамлари пул маблаглари аудити

II.9.1. Асосий жорий хисоб раками 5110

Накд пулсиз хисоблар, Уз.Р.МБ томонидан 2002 йил 12 январда 60-сон билан тасдикланган ва Уз.Р. АВ томонидан 2002 йил 15 январда 1122-сон билан руйхатга олинган, Узбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб-китоблар буйича тартиб ва Уз.Р. МБ томонидан 16 мартда тасдикланган ва Уз.Р. АВ томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан руйхатга олинган, Узбекистон Республикасида очиладиган банк хисоблари буйича йурикномага асосан тартибга солинади.

Жамият банк хисоб-китобларини «Хамкор» банкининг Фаргона булимида амалга оширади.

2019 йилда (сч 5130) банк операциялари куйидагича:

Счет	Операция мазмуни	Сумма (сум)
	01.01.2019 й.га колдик	**90 966 271,6**
06.20	Инвестиялар сотишдан тушум	470 500 000,00
40.00	Харидорлардан аванс келиб тушди	500 000 000,00
42.00	Ходимларга берилган авансlар	2 870 000,00
4300	Мол етказиб берувчилардан кайтди	4 864 000,00
4700	Ходимлар билан хисоб китоблар	14 057 000,00
48.00	Бошка дебиторлар	256 019 000,00
51.00	Банк хисоб ракамидан тушди	882 300 000,00
55.00	Банк хисоб ракамидан тушди	17 207 458 997,79
60.00	Мол етказиб берувчилардан кайтди	7 237 643 775,19
63.00	Харидорлардан аванс келиб тушди	109 151 564 194,33
66.00	Туланадиган дивидентлар	6 042 653,00
69.00	Хар хил кредиторлардан тушди	1 036 800 605,00

93.90	Бошка операцион даромадлар	49 820 960.58
94.30	Бошка операцион харажатлар кайтди	9 030 769,43
9520	Дивидент куринишидаги даромад	62 552 010.05
	Жами кирим	**136 891 523 965,37**
	Сарфланди	
3100	Келгуси давр харажати	3 000 000.00
40.10	Нотугри утказилган маблаг кайтарилди	22 307 011.25
42.00	Сафар харажатига аванс	30 204 611.00
43.00	Мол етказиб берувчиларга аванс	89 810 103 614,30
44.00	Соликлар буйича аванс	11 144 085 803,97
45.00	Бюджетдан ташкари фондларга аванс	3 287 486 488.05
47.00	Уй-жойлар учун тулов (ходимларга)	8 458 486 162.59
48.00	Бошка дебиторлар	1 227 615 149,26
50.10	Кассага олинди	781 743 539,80
55.39	Иккиламчи хисоб ракам	2 069 119 730.30
55.34	Коорпоратив картани тулдириш	24 800 000,00
60.10	Мол етказиб берувчилар билан хисоблар	10 056 310.00
61.10	Юкори турувчи ташкилотлар	50 000 000.00
66.10	Туланган дивидендлар	5 883 020 035.00
78.00	Кредит тулови	9 758 620 611.12
79.00	Узок муддатли ижара тулов	36 712 500.00
94.00	Давр харажати	920 743 484.00
96.00	Кредит фоизлари	2 515 955 193.57
	Жами чиким	**136 950 510 245,01**
	31.12.2019 й. га колдик	**31 979 991,96**

II.9.2. Мамлакат ичидаги валюта счети 5230

Жамият баланси ва «1С-Бухгалтерия» дастури маълумотлари буйича 2019 йил йилда 5230 (мамлакат ичида валюта счётлари) АКШ долларида банк харакати куйидагича:

Счет	Операция мазмуни	Сумма	
		$ США	сум
	01.01.2019 й.га колдик	248 404.65	2 071 582 998.91
43.23	Мол етказувчиларга бунак	91 800.0	767 097 324.00
63.00	Харидор ва буюртмачилардан	549 970.00	4 650 264 364.10
95.40	Валюта курс фаркидан даромад	-	91 975 231.54
	Жами кирим	641 770.00	5 509 336 919.64
	Сарфланди	-	-
43.23	Мол етказувчиларга бунак	141 800.00	1 193 884 324.00

55.37	Банкдан кирим килинди	241 250,00	2 037 691 250,00
96.20	Валюта курс фаркидан даромад		12 854 327,67
	Жами чиким	383 050,00	3 244 429 901,67
	31.12.2019 йилга колдик	507 124,65	4 336 490 016,88

Счет	Операция мазмуни	Сумма	
		Э Евро	сум
	01.01.2019 й.га колдик	-	-
52.00	Мол етказувчиларга бунак	183 850,00	1 940 180 081.00
55.00	Иккиламчи хисоб ракам	110 310,00	1 177 007 700
	Жами кирим	294 160,00	3 117 187 781.00
	Сарфланди	-	-
43.23	Мол етказувчиларга бунак	294 160,00	3 109 364 595,80
96.20	Валюта курс фаркидан даромад		7 823 185,20
	Жами чиким	383 050,00	3 117 187 781.00
	31.12.2019 йилга колдик	-	-

Жамиятнинг банкдаги махсус счетлари (5533, 5536) да амалга оширилган барча операциялар учун тегишли бирламчи хужжатлар мавжуд.

II.10. Иш хаки хисоб-китоби аудити

Иш хаки харажатлари Узбекистон Республикаси Солик Кодексининг 172-178 моддалари асосида тавсифланган. Имтиёзлар 179-180 моддалари асосида кулланган.

Жамият «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурининг ва иш хаки китобининг маълумотларига асосан 2019 йил давомида ходимлар билан иш хаки буйича хисоб китоблар (6710) счети буйича хисобланган иш хаки ва унга тенглаштирилган туловлар хамда иш хакидан ушланмалар куйидагича:

01.01.2019 й.га колдик	**777 952 675,72**
Оклад	2 472 916 792,10
Тариф	4 930 722 674,60
Иш хакига кушимча	238 979 974,13
Мукофотлар	416 535 130,00
Кечки вактда ишланган учун хак	123 859 731,39
Тунги вактда ишланган учун хак	519 536 782,66
Байрам кунлари ишлаганлик учун хак	74 992 012,65
Ишбай иш хаки	9 002 593,43
Зарарли касбда ишлаганлик учун 12% тулов	235 532 620,60
Касаллик варакаси	190 344 715,27
Тугиш нафакалари	43 594 062,58
Овкатланиш	331 279 200,00
Мехнат таътили	565 307 068,35
Классность 25%	3 624 912,50

Ишдан бушашдаги тулов	200 518 598,57
2 ёшгача бола парвариши учун тулов	55 292 905,00
Кишлок хужалиги махсулот учун	132 908 000,00
Байрамга мукофотлар	687 926 130,00
Бошка хисобланган иш хаки	308 036 872,00
Жами хисобланди	**11 139 067 108,26**
Суткалик (меъёрдан ортик)	14 691 444,00
Ушланмалар:	
Пластик картага иш хаки утказилди	8 428 028 166,59
Накд пул туловлари	530 943 539,80
1% проф взнос	96 399 846,33
Даромад солиги	1 246 033 106,73
ИНПС 1%	10 482 910,29
Газ	33 464 000,00
Коммунал туловлар	24 052 894,00
Ер солиги, мулк солиги	22 809 056,00
Кредит ККБ	76 021 996,97
Штраф	16 444 419,90
Алимент	68 144 149,43
Армия	8 109 200,00
Укиш учун (контракт)	132 160 819,00
Почта йигими	3 374 108,88
Бошка ушланмалар	80 999 936,03
Овкатланиш пули	331 244 400,00
Жами ушланма	**11 108 712 549,92**
31.12.2019 йилга колдик	**830 277 110,95**

Жамиятда 31.12.2019 йил холатига ишчи-ходимлар сони 641 нафарни ташкил килган.

2019 йил давомида жами 32 нафар ишчи-ходим ишга кабул килинган ва 60 нафар ишчи-ходимлар билан мехнат шартномаси бекор килинган.

Барча ишчи-ходимлар солик туловчининг идентификацион ракамига ва жамгариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга.

II.11. Хисобдор шахслар билан хисоб китоблар аудити

Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан руйхатга олинган «Узбекистон Республикаси худудида хизмат сафари харажатлари тугрисида»ги йурикнома талабларига асосан амалга оширилган.

Узбекистон Республикаси худудидан ташкари хизмат сафари харажатлари 27.03.2002 йил 27 мартда 932-1 сон билан Адлия вазирлигида руйхатга олинган «Узбекистон Республикасидан ташкарида вазирликлар, муассасалар, жамиятлар ва ташкилотлар ходимлари хизмат сафари учун сафар харажатлари бериш тартиби»га асосан тахлил килинган.

Хизмат сафарлари тегишли буйруклар асосида амалга оширилган ва сафар харажатлари аванс хисоботлари билан расмийлаштирилган.

2019 йил аванс хисоботлари буйича, хизмат сафари харажатлари (суткали, йул ва мехмонхона харажатлари) суммаси, жами 62 369,6 минг сумни ташкил килган.

Аудитда сафар харажатлари (суткали, йул ва мехмонхона харажатлари) нинг белгиланган меъёрдан ортикча суммаси 15 088,2 минг сумни ташкил килди. Жами меъёрдан ортик сафар харажати иш хаки куринишидаги даромадларга кушилган ва белгиланган солик хамда ажратмалар хисобланган.

Дебитор ва кредитор карздорлик тахлили

Дебиторлик ва кредиторлик карзларни тартибга солиш ва хисоб китобларни уз вактида амалга ошириш талаблари, Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154 сонли «Халк хужалигида хисоб-китоблар уз вактида утказилиши учун корхона ва ташкилотлар рахбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлари тугрисида»ги фармонида белгилаб куйилган.

Жамият балансида 2019 йилнинг 31 декабр холатига 22 601 362,0 минг сум дебиторлик карздорлик ва 7 810 732,0 минг сум кредиторлик карздорлик мавжуд.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот тахлили

Даромадлар аудити

2019 йил давомида моливий-хужалик фаолияти буйича олинган даромадлар:

(минг сум)

• Махсулот сотишдан олинган соф тушум	-	110 661 003,0
• Асосий фаолият буйича олинган бошка даромадлар	-	1 076 095,0
• Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	-	2 408 100,0
Жами даромадлар		114 145 198,0

II.13.2. Харажатлар аудити

2019 йил моливий-хужалик фаолияти буйича килинган харажатлар:

(минг сум)

• Сотилган махсулот таннархи	-	87 102 963,0
• Давр харажатлари	-	9 373 567,0
• Молиявий фаолият буйича харажатлар	-	2 721 583,0
Жами харажатлар	-	99 198 113,0

2019 йил буйича молиявий натижалар тугрисидаги хисобот:

(минг сум)

Курсаткичлар номи	Сатр коди	Даромадлар	Харажатлар
Махсулот сотишдан олинган соф тушум	010	110 661 003,0	
Сотилган махсулот таннархи	020		87 102 963,0
Ялпи фойда	030	23 558 040,0	
Давр харажатлари – жами	040		9 373 567,0
Сотиш харажатлари	050		1 656 038,0
Маъмурий харажатлар	060		1 515 642,0
Бошка операцион харажатлар	070		6 201 887,0
Келгусида солик базасидан чикариладиган жорий хисобот даври харажатлари	080		
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	090	1 076 095,0	

Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	100	15 260 568,0	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари – жами	110	2 408 100,0	
Дивиденд шаклидаги даромадлар	120	62 552,0	
Фоиз шаклидаги даромадлар	130	-	
Доходы от долгосрочной аренды	140	-	
Валюта курс фаркидан даромадлар	150	1 024 545,0	
Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	160	1 321 003,0	
Молиявий фаолиятнинг харажатлари – жами	170		2 721 583,0
Фоиз шаклидаги харажатлар	180		2 480 265,0
Узок муддатли ижара буйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190		35 691,0
Валюта курс фаркидан зарарлар	200		205 627,0
Молиявий фаолиятнинг бошка харажатлари	210		-
Умумхужалик фаолият буйича фойда (зарар)	220	14 947 085,0	
Фавкулодда фойда ва зарарлар	230		-
Солик тулагунга кадар фойда (зарар)	240	14 947 085,0	
Фойда солиги	250		2 080 521,0
Бошка соликлар	260		-
Хисобот даврининг соф фойдаси	270	12 866 564,0	

II.14. Солик конунчилигига риоя килинишни аудити

1. Кушилган киймат солиги аудити

Жамиятда кушилган киймат солигининг хисобланишини аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси талабларига асосан утказилди.

Жамиятнинг 2019 йил учун ККС буйича такдим этилган хисоботи буйича.

ККСни хисобга олинадиган булган товарлар (ишлар, хизматлар) суммаси **70 683 622,6** минг сум, хисобга олинадиган ККС суммаси (010 сатр) **12 822 561,6** минг сум.

Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация килиш айланмаси жами **113 393 163,2** минг сум, ККС суммаси (040 сатр) **20 265 914,6** минг сум.

Бюджетга туланиши лозим булган ККС (050 сатр) **7 443 353,0** минг сум.

Аудит натижасида реализация килинган счет-фактуралар реестри хамда харид килинган товарлар (ишлар, хизматлар) буйича олинган ККС реестри буйича фарк аникланмади.

2. Фойда солиги аудити

Жамиятда фойда солигининг хисобланиши юзасидан аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси талабларига асосан утказилди.

Жамият 2019 йилда молиявий натижалар хисоботи буйича фойда солигини тулагунга кадар фойда 14 947 085,0 минг сумни ташкил килган, чегирилмайдиган харажатлар (солик солиш базасига кушиладиган харажатлар) 2 744 416,0 минг сум, солик солинадиган базани камайтирадиган харажатлар 353 830,0 минг сум, жами солик базаси 17 337 671,0 минг сум, 12 % ставка билан 2 080 520,5 минг сум фойда солиги хисобланган.

Аудит текширувида фарк аникланмади.

3. Мол-мулк солиги аудити

Жамиятда мол-мулк солигининг хисобланишини аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси талабларига асосан утказилди.

Жамиятда 2019 йил йиллик хисоботи буйича асосий воситаларнинг йиллик уртача киймати 25 426 836,5 минг сумни, солик солинадиган базани камайтирилиши 3 462 367,5 минг сумни, солик базаси 21 964 469,0 минг сумни ташкил этади ва 2% ставкада 439 289,4 минг сум мол-мулк солиги хисобланган.

Уз муддатида ишга туширилмаган капитал куйилмаларнинг йиллик уртача киймати 1 826 807,0 минг сумни ташкил этган ва 4% ставкада 73 072,3 минг сум мол-мулк солиги хисобланган. Жами бюджетга хисобланган мол-мулк солиги 512 361,7 минг сумни ташкил этади.

Аудит текширувида фарк аникланмади.

4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик

Жамиятда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик солишнинг хисобланиши аудити Узбекистон Республикаси Солик Кодекси талабларига асосан утказилди.

Жамиятда 2019 йилда кузда тутилаётган 597222 м3 ер ости сув хавзаларидан сув сарфидан, амалдаги 1 м3 учун 360 сум ставкада 215000,0 минг сум солик хисобланган. Жамиятда 2019 йил йиллик хисоботи буйича 699445 м3 ер ости сув хавзаларидан сув сарфидан, амалдаги 1 м3 учун 360 сум ставкада 251800,2 минг сум сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик хисобланган. Хисобот буйича кушимча тулашга 36800,2 минг сум хисобланган ва хисобот топширилган.

5. Ер солиги аудити

Жамиятда ер солигининг хисобланишини аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси талабларига асосан утказилди.

2019 йил 9,85 га ер майдони Киргули мавзеси Дачная кучаси 9 уйда жойлашган булиб, 1 га ер учун амалдаги 23 244 127 сум ставкада 228 954,6 минг сум, 1,28 га ер майдони Комилова кучаси 13 уйда жойлашган булиб, 1 га ер учун амалдаги 23 244 127 сум ставкада 29 752,4 минг сум, 0,1 га ер майдони Юксалиш кучаси, 61 уйда жойлашган булиб, 1 га учун амалдаги 23 244 127 сум ставкада 2 324,4 минг сум, Китоб олами маркази 0,03 га 1 га учун амалдаги 23 244 127 сум ставкада 69,7 минг сум жами 261 101,2 минг сум ер солиги хисобланган.

Аудитда фарк аникланмади.

6. Ишчи - ходимлар иш хакидан даромад солигини хисобланиши аудити

Жамиятда аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси талабларига асосан утказилди.

Танлаб олиш усули буйича 50 нафар ишчи-ходимлардан даромад солигининг тугри ушланиши текширилганда фарк аникланмади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўкиш) жойи ўзгарган такдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб колинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммалари тўгрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўкиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш хаки хисоблангунига кадар такдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўкиш) жойидан маълумотнома такдим этилмаган ёки солик тўловчининг идентификация раками такдим этилмаган такдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги белгиланган энг юкори ставка буйича ушлаб колинади. Маълумотнома ёки идентификация раками кейинчалик такдим этилган такдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммаси

илгариги асосий иш (хизмат, ўкиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган холда кайта хисоб-китоб килинади.

7. Пенсия жамгармасига ягона ижтимоий тулови хисобланиши аудити

Жамиятда Ягона ижтимоий тулов ва фукароларнинг бюджетдан ташкари пенсия жамгармасига сугурта бадали хисобланишини аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси талабларига асосан утказилди.

Жамият томонидан 2019 йил учун солик инспекциясига такдим килинган хисобот буйича, УзР Солик Кодексининг 172-моддасига асосан хисобланган иш хаки фонди 10 907 272,1 минг сум булиб, ягона ижтимоий тулов хисобланмайдиган тулов турлари 368 350,5 минг сум, Ягона ижтимоий тулови базаси 10 538 921,6 минг сумни ташкил килиб, 25% ставкада 2 634 730,4 минг сум ягона ижтимоий тулов хисобланган.

Аудит текширувида иш хаки фонди 11 147 272,1 минг сум булиб, ягона ижтимоий тулов хисобланмайдиган туловлар 607 350,5 минг сумни, ягона ижтимоий тулови базаси 10 538 921,6 минг сумни ташкил килиб, 25% ставкада 2 634 730,4 минг сум ягона ижтимоий тулов хисобланди.

Фарк аникланмади.

Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 13.04.2010 йилда №2095-ракам билан руйхатга олинган Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом хамда Молия Вазирлиги ва Давлат Солик Кумитасининг 30.05.2011 йилдаги №1760-1 ракамли кушма карорига асосан ягона ижтимоий туловни солик органларига такдим килиш шакли узгарган. Бунга кура маълумотнома ишчилар сони ва энг кам иш хаки миқдоридан келиб чикиб тулдирилади. Агар маълумотнома буйича аникланган энг кам ЯИТ миқдори хакикий хисобланган ЯИТ дан куп булса, маълумотномадаги сумма хисоботда такдим килинади.

Бухгалтерия томонидан такдим килинган маълумотномага кура хакикий хисобланган ЯИТ базавий ЯИТ дан юкори суммани ташкил килган.

II.16. Баланс молиявий-иктисодий курсаткичлари тахлили

Корхона хисоботида 2019 йил 30 июн холатига тузилган баланс куйидагича:

АКТИВ

I булим	34 994 808,0
II булим	44 372 317,0
Баланс	79 367 125,0

ПАССИВ

(минг сум)

I булим	60 018 672,0
II булим	19 348 453,0
Баланс	79 367 125,0

Жамиятнинг молиявий-иктисодий ахволини аниклаш учун Узбекистон Республикаси жамиятларнинг иктисодий нобаркарорлиги ишлари буйича Кумитаси Карори билан 16.03.2005 йилда № ГС-05/0271/1 ракам билан тасдикланган, Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 14.04.2005 йилда № 1469-ракам билан руйхатга олинган Низомга мувофик динамиклик курсаткичларини аниклаймиз:

1. ***Туловга кобилиятлилик коэффициенти*** жамиятнинг киска муддатли мажбуриятлар юзасидан туловга имкониятини курсатади, бунда факатгина уз вактида копланадиган дебитор карздорликни ва тайёр махсулотни тусиксиз сотиш билан, балки баланснинг бошка жорий (оборот) активлари билан хам бахоланади. Коэффициентнинг камайиши Жамиятнинг туловга кобилияти пасайганлигини курсатади.

Коэффициент куйидаги формула билан аникланади:

$$К\ пл = \frac{Жорий\ (оборот)\ активлар}{Мажбуриятлар - Узок\ муддатли\ мажбуриятлар} = \frac{А2}{П2 - ДО}$$

бунда: А2 – жорий (оборот) активлар (ишлаб чикариш запаслари, тайёр махсулот, пул маблаглари, дебиторлик карздорлик ва бошкалар)
П2 – мажбуриятлар
ДО – узок муддатли мажбуриятлар.

$$К\ пл = \frac{44\ 372\ 317}{19\ 348\ 453 - 11\ 537\ 721} = \frac{44\ 372\ 317}{7\ 810\ 732} = 5{,}68$$

Жамиятнинг тулов кобилиятлилик коэффициенти 5,68 булиб, норматив курсаткич буйича тулов кобилиятлилик коэффициенти 1,25 дан кам булмаслиги керак. Демак, ушбу коэффициент буйича жамият тула тулов кобилиятига эга.

2. ***Уз ва киска муддатлик заём маблагларини таккослаш коэффициенти*** куйидаги формула буйича аникланади.

$$Кск = \frac{П1}{П2-ДО} = \frac{60\ 018\ 672}{19\ 348\ 453 - 11\ 537\ 721} = \frac{60\ 018\ 672}{7\ 810\ 732} = 7{,}68$$

П1- уз маблаглари манбалари
П2- мажбуриятлар
ДО-узок муддатли мажбуриятлар

Белгиланган норматив хужжатларга асосан уз ва киска муддатлик заём маблагларини таккослаш коэффициенти Узбекистон Республикаси худудида 1 дан кам булса, бундай ташкилот молиявий таваккалчилик оркали ишловчи жамият хисобланади. Юкоридаги формула буйича хисобланган коэффицент 7,68 булиб, жамиятнинг уз ва киска муддатлик заём маблагларини таккослаш коэффициенти баланд эканлиги аникланди.

3. ***Вазиятдан чикиб кетиш коэффициенти*** уз маблаглари кисмини мобил формада курсатади, яъни уз маблагларини эркин харакатга келтира оладими ва куйидаги формула оркали амалга оширилади.

$$К_м = \frac{Уз\ айланма\ маблаглари}{Уз\ маблагларини\ умумий\ улчами} = \frac{390\ сатр}{480\ сатр} = \frac{44\ 372\ 317}{60\ 018\ 672} = 0{,}74$$

Белгиланган норматив хужжатларга асосан вазиятдан чикиб кетиш коэффициенти Узбекистон Республикаси худудида 0,5 дан кам булса, бундай жамият нисбий вазиятдан чикиб кета олмайдиган хисобланади. Юкоридаги формула буйича хисобланган коэффицент 0,74 булиб, жамиятнинг хар кандай вазиятдан чикиб кета оладиган жамият эканлигини билдиради.

III. Якуний кисм

3.1. Аудиторлик текшируви натижалари буйича аникланган камчиликлар ва улар юзасидан берилган тавсиялар

1. Жамият рахбариятига АТБ "Саноат курилиш" (Афросиёб) ва бошка инвестиция киритилган ташкилотлар буйича инвестициялар тугрисида етарли маълумот олиш, агар ушбу инвестиция киритилган ташкилотлардаги инвестициялар даргумон булган такдирда, мазкур масалани жамият умумий йигилишида куриб чикиш ва жамият зарарига олиш тавсия килинади.
2. Жамиятда юридик шахсларнинг газна операцияларини амалга ошириш буйича кабул килинган низом коидаларига амал килган холда юритиш тавсия этилади.
3. 0600 Инвестициялар счети буйича барча инвестиция киритилган корхона ва ташкилотлардан 2019 йил якунлари буйича умумий йигилиш баённлари, йиллик баланс ва молиявий натижаларни олиш хамда бухгалтерия хисобтида акс эттириш.
4. Балансдан ташкари 014 «Фойдаланишдаги хужалик инвентарлари» хисобини юритиш ва хисоботда акс эттириш.

"MEZON AUDIT PERFECT" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти директори: **Салиев И.А.**

Аудитор: **Тухтасинов Н.Н.**

Аудит хисоботи нусхасини олдик:
«Фаргонаёг-мой» акциядорлик жамияти бош хисобчиси: **Хикматов О.**